



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН.

25 февраль 1970 йил, чоршанба

№ 46 (14.512) Баҳоси 2 тийин.



БУТУН мамлакат, тараққийпарвар инсоният Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг шонли 100 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. В. И. Ленин деҳқонларимизнинг ҳақиқий дўсти, ғамхўри ва мураббийси эди. Майда деҳқон хўжалигини йирик коллектив хўжаликларга айлантиришда унинг хизматлари бебаҳодир. Улуғ доҳиймиз мамлакатимизда колхоз тузумининг ижодкори бўлди. Унинг табаррук қўли билан ёзилган кооперация тўғрисидаги асари ана шу коллектив хўжаликлар тузилишига замин яратган эди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати буюк Лениннинг таълимоти ва кўрсатмаларига амал қилиб, қишлоқ хўжа-

лигини коллективлаштиришни муваффақиятли ўтказди. Коллективлаштириш 1933 йили асосан тугалланди. Ушандан буён ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, жумладан серқуёш республикамиз қишлоқ хўжалиги мисли кўрилмаган даражада ривожланди, камол топди. Биз бугунги кунда ленинча кооператив планининг таънаси тўғрисида мамнуният билан гапирар эканмиз, кўлимизни кўксимизга қўйиб, улуғ доҳиймизга қўллуқ қиламиз. Ленинча кооператив планининг Ўзбекистонда қандай амалга оширилганлиги тўғрисида баъзи материалларни газетамизнинг шу сонда ўқийсиз.

ЁРҚИН ЙЎЛДАН

Н. ХУДОЯБЕРДИЕВ,

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри.

Совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният Владимир Ильич Лениннинг муборак 100 йиллик тўғилган кунининг шонли 100 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. XX асрнинг энг буюк галабалари башарият доҳийси Ленин номи билан чамбарчас боғлиқдир. Мамлакатимизда улуғ Октябрь-социалистик революциясининг галабаси кишилик жамияти тарихида янги саҳифа очиб берган экан, бунинг учун биз даставвал улуғ Ленинга таъзим қиламиз.

Ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишларга назар ташласак, Коммунистик партия бизни Ленин йўлидан тўғри бошлаб бораётганини, шунинг учун ҳам муваффақиятларимиз кўпайганини кўраемиз. Шоян кишилар синфи партия раҳбарлигида мамлакатимизда буюк ўзгаришлар қилди, деҳқонга мадад қилини қўзди. Шу босдан ҳам деҳқончилигимиз тез суръатлар билан тараққий этди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш беҳисс кўпайди. Бунинг серқуёш республикамиз мисолида ҳам очик-ойдин кўриш мумкин.

Ўзбекистон илгари чор Россиясининг чекка ўлкаси эди. Қишлоқ хўжалиги қолон, саноати деярли бўлмаган бу уллада ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг характерига мутлақо мос келмаган. Негани, асосий ишлаб чиқариш кўроллари катта ер эгалари ва бойлар қўлида бўлган, етиштирилган маҳсулотнинг жуда катта қисми ўшаларнинг эҳтиёжига кетган. Деҳқон эса оқим билан ер тираб экан экан, ҳузури билан қўнган.

Ўтмишда қуруқ кўл ва белкурак билан, оқим-бўйинтуруқ билан и-

ма ҳам қилиб бўларди дейсан! Ана шу, дақиқ юнусдан қолган қурулар билан қишлоқ хўжалигини, айниқса, пахтачиликни ривожлантириш сира мумкин эмасди. Бунинг устига чор маъмурияти ирригация ишлари билан деярли шугулланмади. 1911 йили буржуа газетаси «Русское слово»нинг ёзишича, «Ўтган 46 йил давомида иш мутлақо олға силжимади».

Фақат Советлар дивиди деҳқоннинг ҳаётида бағоят улкан ўзгаришлар рўй берди. Асрлар оша ҳўкм сўриб келган қолончиликка барҳам бериш учун, қишлоқда социализмнинг мустаҳкам иқтисодий пойдеворини қуриш учун қишлоқ хўжалигида иқтисодий бурлиш ясаб заҳур эди. Ўртоқ Ленин бунинг иложини топди, машҳур кооператив планини ишлаб чиқди. Бу план қишлоқда социал ўзгаришларни амалга оширишда партиянинг асосий программаси сифатида хизмат қилди. В. И. Лениннинг кооператив плани оқилона амалга оширилиши туфайли қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш муваффақиятли тугалланди. Натигада коллективлаштириш қишлоқни социалистик тараққиёт йўлига олиб чиқди. замонавий йирик социалистик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига асос солди.

Социализмнинг ярим асрлик тажрибаси қишлоқ хўжалигини со-

циалистик асосда қайта қуриш тўғрисидаги ленинча сиёсатнинг нақадар ҳаётий ва улутворлигини яна бир бор исботлади.

1935 йили, ёппасига коллективлаштириш бошланганидан кейин орада олти йил ўтган. Ўзбекистон дастлабки муҳим марраини эгаллади. Агар 1921 йили бор-йўри 14,6 минг тонна пахта етиштирилган бўлса, ушандан бир неча йил кейин республикамиз пахтакорлари она-Ватанга 1 миллион тоннадан зиёдроқ «оқ олтин» армуқ қилди. Шундай қилиб республикамиз деҳқонларидан 2 миллион тоннадан зиёдроқ пахта олди. Орадан саккиз йил ўтган, республикамизнинг «оқ олтин» хирмони 3 миллион тоннадан ошиб кетди. 1966 йили яна икки муҳим маррани эгалладик: пахта етиштириш 4 миллион тоннадан ошиб кетди, ҳосилдорлик эса, гектаридан 25 центнердан зиёд бўлди.

Ҳозирги пайтда республикамиз мамлакатимизда етиштирилган пахтанинг қарийб 70 процентини, напон поясининг 100 процентини, шоланинг 26 процентини, пиланинг қарийб 50 процентини, қорақўл терининг кўп қисmini бер-

япти. Буларнинг ҳаммаси партия ташкилотларининг жуда катта ташкилотчилик ва сафарбарлик ишлари туфайли рўйга чиқарилмоқда.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ҳар қандай ишнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада моддий техника базасига эга. Суз ишчиотлари қурилиши бўйича катта ҳажмда иш олиб боришмоқда. Мана бу рақамларга бир назар ташланг: 1888—1917 йиллар давомида яъни чор ҳукумати ҳукмронлиги қилган 30 йил мобайнида Туркистонда сугориш ишларига 36,4 миллион сўм сарфланган эди. Биргина 1966 йилдагина Ўзбекистонда суз хўжалиги қурилишига ўша 30 йил дағига нисбатан қарийб ўн баравар кўп маблағ сарфланди.

Революцияга қадар Ўзбекистонда биттагина инженерлик-сугориш системаси бўлган. Совет ҳокимияти йилларида республикамизда 900 дан ортиқ сугориш системалари қурилди, 24 минг инженерлик-сугориш техника ишчиотлари, 900 дан зиёдроқ кудратли насос станциялари ишлаб турибди, 20 дан кўпроқ янги йирик магистрал нааллар қазилди, ўнларча сузйиш депозитар барпо этилди. Сугориш каналларининг умумий узунлиги бир неча ўн минг километр, дренаж тармоқлари эса — 40 минг километр ташкил тади.

Айниқса, Мирзачўлда ирригация қурилиши кенг миқёсда олиб боришмоқда. Йирик ирригация тармоқлари қуриш Қарши ва Шероб чўлларида, Марназий Фарғона, Амударё эгалларида кенг қулоқ ёймоқда. Янги ўзлаштирилган ерларда иқтисослаштирилган пахтачилик ҳамда шолчилик совхозлари ташкил этилаётир.

Октябрь инқилобига қадар техникага эга бўлмаган Ўзбекистон ҳозир машиналаштирилган республикага айланган. Колхоз ва совхозларда 150 мингдан кўпроқ тракторлар, 30 мингдан ортиқ пахта териш машиналари, ўн мингларча турли хил меҳанизмлар, жуда кўп ер қазиб ва бошқа техника бор. Ана шу муъйизакор техника билан қишлоқ хўжалик ишларини ўзлаштириш ва сифатли ўтказиш учун барча имкониятлар мавжуд.

(Давом инкинчи бетда).

САБЗАВОТКОРЛАР ИШ БОШЛАДИ

Ленин районидagi «Правда Воетона» колхозининг сабзавоткорлари об-ҳаво қулай келишидан фойдаланиб, эртаги сабзавот экишни бошлаб юбордилар. 260 ром остида барқ уриб усаётган қараи, помидор кучатлари икки марта озичлантирилди.

— Ҳаво илиб, ҳарорат кўтариляпти, — дейди колхоз агрономи Т. Ҳасанов, — сабзавоткорларимиз ҳам эрта ишга киришадилар. Бу йил 360 гектар майдонда картошка, сабзавотдан ююроқ ҳосил етиштириш учун мусобақа қизитилмоқда. Ерлар бораи қилиниб, текислаяпти. Помидор кучати ўтказилган 219 гектар майдонга эртаиндин нихол ўтказилди. Бошқа хил экишлар экиладиган ерлар ҳам тайёрлаб қўйилди.

К. ТУРҒУБОВЕВ.

Я Н Г И ТУТЗОРЛАР

Қашқадарё область пилалачилари бу йил ипак кўрти боқиб мавсумига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Шу кунларда областнинг деярли барча хўжаликларда тут кўчатлари экиш, янги тутчилик плантациялари барпо этиш, кўрт боқилардан биноларни тартибга келтириш қизғин давом этмоқда. Пилалачилик агрономлари, бригада бошликлари кўрт боқиб агротехникаси илгор усуллари билан таништирилмоқда. Область ипачилик идораси қошида ташкил этилган 10 кунлик семинарда 62 киши малака оширди.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.



ТАЙЁРГАРИК ҚИЗҒИН

Ҳар 100 бош совлиқдан 135 тадан қўни! — Фориш район чорвадорларининг юбилей йили марраси ана шундай. Шу кунларда район хўжаликлариди қўзиларни кампайишга пухта тайёргарлик кўришмоқда.

Меҳнаткашлар депутатлари район Совети икрония комитетининг раиси А. Мустапов биз билан суҳбатда қўзидагиларни айтди:

— Бу йил районимиз чорвалари 300 мингга яқин қўзи олиш, давлатга 165 минг донна қоракўл тоғи тоғиришлари керди. Шу мақсадни қўлаб иш қўзидаги чорвадорларимиз совлиқларнинг парваршиши қўзидагидек олиб бораётирлар. Ниятимиз: райондаги 220 минг совлиқни қўзилатиш давритига сема, соғлом етказиш. Бунинг учун ҳамма отарларда етарли миқдорда «ем-хашак» ҳозирланган.

Бу йил 600 отарда қўзилатиш ўтказилди. Қўзи сўйилган пунктлар ҳам тайёр қилиб қўйилди. Машғал хўжалик — «Қизилқум» совхозини ҳар қачонгидек бу йил ҳам қишқик синовдан муваффақиятли ўтмоқда. Пландан 144 минг тонна қўн — 4400 тонна хашак марназлашган озуқа пунктларига ташиб келтирилган. Совхоз бўйича бу йил ҳар юз бош совлиқдан 145 тадан қўзи олиш мўлжалланмоқда.

Т. ЖАМОЛОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



ТАСС
МУХБИРЛАРИ
ХАБАР БЕРАДИ

УРХО КАЛЕВА КЕККОЕНЕН МОСКВАГА КЕЛДИ

Финляндия Республикасининг Президенти Урхо Калева Кеккоенен СССР Олий Совети Президиуми билан Совет ҳукуматининг таклифи билан 24 февралда Москвага келди.

Финляндия Республикаси ва Совет Иттифонининг давлат байроқлари билан безатилган Шереметев аэродромида дўст давлатнинг бошқариш Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорный, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Горбачев, СССР ташқи ишлар министри Урибофари, А. А. Смирнов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ТАСС).

МОСКВАДА ХАЛҚАРО НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

24 февралда Москвада КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтида В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланиб, «Ленинизм ва жаҳон революцион жараёни» деган мавзуда ўтказилмайдиган халқаро назарий конференция ўз ишини бошлади.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг директори академик П. Н. Федосеев исқача ириш нутқи билан конференцияни очди.

КПСС Марказий Комитетининг сенетари Б. Н. Пономарев нутқи сўзлади.

СОВЕТ ФИЛЬМЛАРИГА МУКОФОТЛАР

Финляндиянинг Тампер шаҳрида қисқа метражли фильмлар халқаро фестивали ўтказилди.

Икки совет фильми — «Саҳродаги қаср» ва «Фильм, фильм, фильм» фестивал мукофотларини олишга сазовор бўлди.

ВАТАНПАРВАРЛАР ҲАРАКАТИ

ХАНОЙ. Ой календари ҳисобиди янги йил муносабати билан ҳар қилала томон ўт очини вақтинча тўтатиш тўғрисидаги буйруқни эълон қилган эди. Америка — Сайгон қўшинлари бу буйруққа риоя қилмадилар. Халқ озолиқ қурулми кучлари Америка — Сайгон қўшинларининг ана шу ҳуруқига жавобан 7 февралда Язлай виллоятида катта операция ўтказдилар. Вьетнам информация агентлигининг Озолиқ матбуот агентлиги маълумотларига асосланиб хабар беришича, ватанпарварлар душманининг 140 дан ортиқ, солдат ва офицерини сафдан чиқарганлар.

ЯХШИ МЕҲНАТ УЧУН

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақада Ўзбекистон ССР Мелиорация ва суз хўжалиги министрлигининг Тошкентдаги ремонт-экскаватор заводи коллектив янги муваффақиятларга эришди. 1969 йил тўртинчи квартал планини ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичлар билан юнладди. Корхона коллективига СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг кўмақи Қизил Байроғи берилди.

«Лавсредазирсовхозстройга» қарашли «Янгирводстрой» ва «Промстройматериал» трестларининг, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва суз хўжалиги министрлигига қарашли «Хорезмводстрой» ва «Каракалпаковдстрой» трестларининг коллективлари СССР Мелиорация ва суз хўжалиги министрлиги билан қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари қасаба соҳаси Марказий Комитетининг Кўмақи Қизил Байроқлари билан мукофотландилар.

ГАЗЧИЛАР ҲИММАТИ

БЕКОБОД
МЕТАЛЛУРГЛАРИ
ИЗИДАН

«Қашқадарғаз» ишлаб чиқариш бошқармасида иштирокчи ва рационализаторларнинг дастлабки юбилей қўғиш алуқлари қарош қилинди. Бу кўн давомида бошқарманинг барча рационализаторлари иштирок этишди. Ўтган йил ичида бошқарма бўйича ирилтирилган 49 рационализаторлик таклифидан 32 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди ва бу таклифлардан бошқарма коллективини 600 минг сўмдай ортиқ маблағни тежаб қолди.

Биринчи, иккинчи ҳамда учинчи мукофотлар меҳнат унвондорлигини оширишга ёрдам берган газ, нефть чиқариш ва жўнатилган бўйича бир неча янгилликлар тикритган инженерлардан А. Гриш-



ришга жорий этилди ва бу таклифлардан бошқарма коллективини 600 минг сўмдай ортиқ маблағни тежаб қолди.

Биринчи, иккинчи ҳамда учинчи мукофотлар меҳнат унвондорлигини оширишга ёрдам берган газ, нефть чиқариш ва жўнатилган бўйича бир неча янгилликлар тикритган инженерлардан А. Гриш-

Ремонт-тиклаш ишлари хизматининг бошлиғи И. Алиев, алектру пайвандчи Э. Хониматов билан ҳамкорликда газнинг Қоровулбозор астанасига тушинишни яхшилаш устида иш олиб борди ва буни муваффақият билан амалга оширди. Ҳозир Қашқадарь газ Қоровулбозордаги астандага бетухтов олиб турибди.

Қоратой газ цехининг бошлиғи А. Эргашев, контроль-ўлчов асбобларининг устаси Г. Диканларнинг таъсифига кўра Қарши шаҳридаги саноат корхоналарини ва шахарликларни табиий газ билан таъминлаш йўлга қўйилди.

«Қашқадарғаз» бошқармасининг иш илолатини бекободлик металлургиянинг ватанпарварлик ташаббусига биринчилар қатори лаббай деб жавоб берган эди. Ҳозир барча участкаларда бекободлик металлургиянинг ташаббуси кенг тарғиб этилмоқда ва улардан ибрат олиб меҳнат қилишга ундаляпти. Шундай қилиб, бу йил бошқарманинг инженер-техник ходимлари, ишчилар 8 миллиондан кўб метр газ, минг-минг тонна нефть қазиб олиш учун курашмоқдалар.

П. ГАДОВЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОҚУРҒОН райониди Навоий номи ли колхозда техника ремонтни тугаллаш деб ҳолди. Суратда: иккинчи агроучастканинг заво бошлиғи Ахмад Мамбетов тракторга генератор ўрнатяпти.

В. Клонов фотоси.

